

ХУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Содиқов Авазбек Мадаминович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

ЎзМУ "Давлат ва корпоратив стратегиялари" кафедраси муdiri

Бегимова Дилшоода Комилжоновна

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЎзМУ "Давлат ва корпоратив стратегиялари" кафедраси катта ўқитувчиси

TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF AGRICULTURE IN THE REGIONS

Avazbek Madaminovich Sodiqov

DSc in Economics, Professor

Head of the Department of State and Corporate Strategies,

National University of Uzbekistan

ORCID: 0009-0006-1388-7802

Dilshoda Komiljonovna Begimova

PhD in Economics

Senior Lecturer, Department of State and Corporate Strategies,

National University of Uzbekistan

ORCID: 0000-0001-9615-6832

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон ҳудудларида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Тадқиқотда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ўсиш динамикаси, ялпи ички маҳсулотдаги улуши, бандликдаги аҳамияти ҳамда хўжалик тоифалари бўйича таркибий ўзгаришлар баҳоланган. Таҳлил натижалари 2016–2025 йилларда қишлоқ хўжалигида барқарор ўсиш сақланганини, бироқ иқтисодиётда саноат ва хизматлар соҳасининг тезроқ ривожланиши ҳисобига аграр соҳанинг ЯИМдаги улуши пасайганини кўрсатди. Шунингдек, ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги ривожланишида сезиларли тафовутлар мавжудлиги аниқланди. Тадқиқотда агросаноат кластерлари тармоқдаги институционал ўзгаришларнинг муҳим омили сифатида баҳоланиб, уларнинг инвестиция,

инновация ва маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсири асослаб берилган.

Калим сўзлар: қишлоқ хўжалиги, аграр соҳа, ҳудудий ривожланиш, агросаноат кластерлари, бандлик, иқтисодий ўсиш

Abstract. This article analyzes the development trends of agriculture in the regions of Uzbekistan. The study evaluates the growth dynamics of agriculture, forestry and fisheries, their share in gross domestic product, their role in employment, and structural changes by categories of farms. The results show that during 2016–2025 the agricultural sector maintained stable growth, although its share in GDP decreased due to the faster development of industry and services. The study also identified significant regional disparities in agricultural development. Agro-industrial clusters are considered an important factor of institutional transformation in the sector, and their positive impact on investment activity,

innovation, and production efficiency is substantiated.

Keywords: *agriculture, agrarian sector, regional development, agro-industrial clusters, employment, economic growth*

Кириш. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистонда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Ўтган 2025 йилда соҳага мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17,3 фоизи, аҳоли бандлигининг 22,0 фоизи тўғри келган¹. Қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва мамлакат саноатининг кўплаб тармоқларини хомашё билан таъминлашда аҳамиятлидир. Қишлоқ хўжалиги ўсишининг мамлакатларда камбағаллик даражасини пасайтиришга мультипликатив самараси иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан кучлироқдир. Аграр соҳадаги иқтисодий ўсишнинг ҳар бир фоизи мамлакатдаги камбағаллик даражасининг 1,5 фоизга қисқаришига сабаб бўлади². Мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва модернизациялаш аҳамиятлидир.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда аграр соҳани бозор тамойиллари асосида ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида мулкрий муносабатларни такомиллаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда маҳсулот етиштиришни диверсификациялашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, пахта ва ғалла майдонларини оптималлаштириш, мева-

сабзавотчилик, боғдорчилик, паррандачилик ва балиқчилик каби юқори қўшилган қийматга эга йўналишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакат ҳудудларида қишлоқ хўжалиги нотекис ривожланган. Минтақаларнинг табиий-иқлимий шароити, сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси, аҳоли зичлиги, транспорт ва бозор инфратузилмаси, инвестиция фаоллиги ҳамда аграр ихтисослашувидаги фарқлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳудудий тафовутларини келтириб чиқармоқда. Масалан, Фарғона водийси ҳудудларида интенсив деҳқончилик ва меҳнат ресурсларининг юқори улуши сабзавотчилик ва боғдорчиликнинг ривожланишига хизмат қилса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида сув таъминоти билан боғлиқ чекловлар аграр ишлаб чиқариш самарадорлигига муайян таъсир кўрсатмоқда. Фермер хўжаликлари ва кластер тизимининг ривожланиши, деҳқон хўжаликларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги юқори улуши ҳамда қишлоқ хўжалиги ташкилотлари фаолиятининг кенгайиши тармоқнинг ташкилий-иқтисодий тузилмасини ўзгартирмоқда. Бу жараёнлар ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Иқлим ўзгариши, сув ресурслари тақчиллиги, ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, ишлаб чиқариш

¹ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика кўмитаси маълумотлари

² ФАО. Аналитический доклад «Положение дел в области продовольствия и сельского хозяйства: инвестирование в сельское хозяйство ради улучшения будущего» Продовольственная и сельскохозяйственная Организация Объединённых наций Рим, 2012 г.

харажатларининг ортиши ҳамда меҳнат унумдорлигидаги ҳудудий фарқлар тармоқнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу мамлакат ҳудудларида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш тенденцияларини статистик ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш, тармоқнинг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишнинг аҳамиятини оширмоқда.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ҳудудларида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, тармоқнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини баҳолаш ҳамда аграр соҳани барқарор ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар таҳлили. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти сўнгги йилларда кенг ўрганилмоқда. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг камбағалликни қисқартириш ва ҳудудий ривожланишга таъсирини ўрганиш муҳим илмий йўналиш ҳисобланади (World Bank, 2024; FAO, 2023).

Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари маҳаллий олимлар томонидан кенг тадқиқ этилмоқда. Уларда аграр ислохотлар, фермер хўжаликлари фаолияти ва кластер тизимининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари сифатида баҳоланади (Абдуллаев, 2023; Расулов, 2022).

Сўнгги тадқиқотларда мамлакат ҳудудларининг табиий-иқлимий ва иқтисодий хусусиятлари қишлоқ хўжалиги ихтисослашувига сезиларли таъсир кўрсатиши таъкидланмоқда. Хусусан, сув ресурслари билан таъминланган ҳудудларда интенсив деҳқончилик ва мева-сабзавотчилик ривожланган бўлса, сув танқислиги юқори бўлган ҳудудларда тармоқ самарадорлиги нисбатан пастлиги қайд этилган (Каримов, 2023; Тўхтаев, 2024). Шунинг билан бирга, халқаро ташкилотлар тадқиқотларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлиги таъкидланади (OECD, 2023; Asian Development Bank, 2024). Бироқ мавжуд тадқиқотларда ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги ривожланиш тенденциялари, институционал ўзгаришлар ва бандлик динамикасини комплекс баҳолашга етарлича эътибор қаратилмаган. Мазкур тадқиқот айнан ушбу жиҳатларни таҳлил қилишга қаратилган.


Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда иқтисодий-статистик таҳлил, қиёслаш, динамик қаторлар таҳлили, график усул ва тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди. Тадқиқотнинг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда халқаро ташкилотларнинг расмий маълумотлари ташкил этди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатлари нисбатан паст бўлиб, бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқлим омиллари, ер

ва сув ресурсларига юқори даражада боғлиқлиги ҳамда соҳада технологик ривожланиш даражасининг пастлиги билан изоҳланади. Республикада соҳа маҳсулоти ҳажми 2025 йилда 2016 йилга нисбатан 130 фоизга ўсган бўлиб, ўртача йиллик ўсиш суръатлари 103 фоизни ташкил этган (1-расм). Бу қишлоқ хўжалигида барқарор ўсиш тенденцияси сақланаётганини кўрсатса-да, ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг саноат ва хизматлар соҳасига нисбатан пастроқ.

Худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўсиш суръатларида тафовутлар мавжуд. Ўрганилаётган даврда Фарғона, Наманган, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида республика даражасидан юқори ўсиш суръатлари қайд этилган бўлса, Андижон, Жиззах, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ўртача, Самарқанд, Тошкент, Сирдарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида нисбатан паст ўсиш кузатилди. Бу ҳолат худудларнинг

табiiй-иқлим шароити, сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси, аграр инфратузилма ва инвестиция фаоллигидаги фарқлар билан боғлиқ. Фарғона ва Наманган вилоятларида юқори ўсиш суръатлари қулай табиий-иқлим шароити, унумдор ер ресурслари ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда, аграр соҳада амалга оширилган ислохотлар ва кластер тизимининг жорий этилиши натижасида юзага келган. Шунингдек, интенсив агротехнологиялар, қайта ишлаш саноати ва экспорт имкониятларининг кенгайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ҳамда иқтисодий самарадорликнинг ошишига хизмат қилган. Қорақалпоғистон Республикасида кузатилган юқори ўсиш эса асосан Оролбўйи худудини ривожлантириш дастурлари, янги суғориш ва чорвачилик лойиҳаларининг амалга оширилиши билан изоҳланади.



1-расм. 2016-2025 йилларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида ўсиш (фоизда, 2016 йил - 100 фоиз)³

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Миллий


статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Мамлакатимизда аграр соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017–2025 йилларда 19,2 фоиздан 17,3 фоизга пасайган (2-расм). Бу ҳолат мамлакат иқтисодиётида саноат ва хизматлар соҳасининг нисбатан жадал ривожланганини англатади. Аграр соҳада ўсиш қайд этилган бўлса-да, бошқа нисбатан тезроқ ўсган.

Худудлар кесимида мазкур кўрсаткич турли динамикага эга. Навоий, Сирдарё, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида қишлоқ хўжалигининг ЯХМдаги улуши қисқарган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси,

Қашқадарё, Фарғона, Хоразм ва Бухоро вилоятларида ўсиш кузатилган. Бу айрим худудларда саноатлашув ва хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши, бошқаларида эса аграр ихтисослашувнинг сақланиб қолаётгани билан изоҳланади.

Аграр соҳанинг ЯИМдаги улуши пасайиши иқтисодиётда таркибий трансформация жараёнлари кечаётганини ҳам кўрсатади. Бунда қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш билан бир қаторда, қайта ишлаш, логистика ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланиши иқтисодий ўсишнинг муҳим манбаига айланган.



2-расм. ЯИМ (ЯХМ) таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши (жамига нисбатан фоизда)⁴

Ўзбекистонда умумий банд аҳоли таркибида қишлоқ хўжалигида банд аҳолининг улуши йилдан-йилга қисқариб бораётган бўлса-да, тармоқ меҳнат бозорида муҳим ўринни сақлаб қолмоқда.


2025 йилда соҳада банд аҳолининг улуши 22,7 фоизни ташкил этган бўлиб, бу 3,1 миллион киши қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланганини англатади (3-расм). Мазкур кўрсаткич

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

2017 йилда 3,6 миллион кишини ташкил этган. Бандлик улушининг пасайиши иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар кечаётганини, яъни меҳнат ресурсларининг саноат ва хизматлар соҳасига босқичма-босқич қайта тақсимланаётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги қишлоқ жойларда аҳоли даромадларини

шакллантириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Айниқса, деҳқон ва томорқа хўжаликлари аҳоли бандлигини таъминлаш, ички озиқ-овқат бозорини маҳсулот билан таъминлаш ҳамда мавсумий ишсизликни юмшатишда муҳим роль ўйнамоқда.




3-расм. Қишлоқ хўжалигида бандларнинг умумий банд аҳоли сонига салмоғи (жамига нисбатан фоизда)⁵

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши хўжалик тоифалари бўйича турлича шаклланган бўлиб, 2017–2024 йилларда энг юқори ўсиш қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларда кузатилди (4-расм). Бу ҳолат мамлакатда агросаноат кластерларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат натижаси ҳисобланади. Кластер тизимининг жорий этилиши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва логистика жараёнларининг ўзаро интеграциялашувини кучайтириб, тармоқда инвестиция ва технологик янгиланишлар фаоллашишига хизмат қилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш жараёнида агросаноат кластерлари тармоқ ривожланишининг муҳим институционал механизмга айланди. 2017 йилдан бошлаб жорий этилган кластер тизими ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона қиймат занжири асосида ташкил этиш имконини берди. Натижада ресурслардан самарали фойдаланиш, маҳсулотни қайта ишлаш даражасини ошириш ва фермер хўжаликларининг бозор билан интеграциялашуви кучайди. 2024 йилда мамлакатда 180 дан ортиқ агросаноат

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

кластерлари фаолият юритиб, минглаб фермер хўжаликларини қамраб олган⁶.



4-расм. 2017-2024 йилларда ишлаб чиқарувчиларнинг тоифалари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (2016 йилга нисбатан фоизда)⁷

Кластер тизимининг ривожланиши аграр соҳада инвестиция ва инновация фаоллигининг ошишига хизмат қилди. Замонавий агротехнологиялар, сув тежовчи усуллар ва қайта ишлаш инфратузилмасининг жорий этилиши маҳсулдорлик ҳамда экспорт салоҳияти ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, 2025 йилда мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 508,7 трлн сўмга етган бўлиб, бу 2024 йилга нисбатан 4,4 фоиз ўсишни ташкил этган. Шу билан бирга, кластерлар фермер хўжаликлари билан кооперация асосида фаолият юритиши қишлоқ жойларда

бандлик ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.

Кластерлаштириш жараёнлари фаоллашганига қарамасдан, мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон ва томорқа хўжаликлариде етиштирилмоқда (5-расм). Бу ҳолат аҳоли бандлиги ва ички озиқ-овқат таъминотида ушбу хўжаликларнинг аҳамияти юқорилигини кўрсатади. Бирок уларнинг молиявий ва технологик имкониятлари чекланганлиги соҳада меҳнат унумдорлиги ва инновацион ривожланиш даражасига таъсир кўрсатмоқда.

⁶ A.Estekov. Problems and Solutions of Agribusiness in the Context of Globalization. Sustainable Agriculture 2(26) (2025) 27–30

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



5-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимоти (жамига нисбатан фоизда)⁸

Кластерлаштириш натижасида қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 2017–2024 йилларда 1,7 фоиздан 8,3 фоизгача ошган. Бу аграр соҳада институционал ўзгаришлар кучайиб бораётганини кўрсатади. Бироқ кластерларнинг фермер хўжаликлари билан шартнома асосида ишлаши маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ йириклашувига эмас, балки кооперациялашган аралаш модел шаклланишига олиб келмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга тармоқларидан бири бўлиб қолаётганини кўрсатди. Таҳлил қилинаётган даврда соҳада барқарор ўсиш тенденцияси сақланиб қолган. Қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши пасайиб бориши иқтисодиётдаги

таркибий ўзгаришлар, яъни саноат ва хизматлар соҳасининг нисбатан тезроқ ривожланаётгани билан боғлиқ. Ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги тафовутлар табиий-иклим шароити, сув ресурслари билан таъминланганлик, инфратузилма ва инвестиция фаоллиги даражаси билан боғлиқ.

Агросаноат кластерларининг жорий этилиши қишлоқ хўжалигида институционал ўзгаришларни кучайтирди. Кластер тизими ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларининг интеграциялашувига, инвестиция ва инновация фаоллигининг ошишига ҳамда экспорт салоҳиятининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми хануз деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштирилаётгани соҳада технологик ривожланиш ва меҳнат унумдорлиги

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

муаммолари сақланиб қолаётганини кўрсатади.

Олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- сув тежовчи ва рақамли агротехнологияларни жорий этишни кенгайтириш;
- агрологистика ва маҳсулотни қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантириш;
- ҳудудларнинг табиий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ихтисослашувини такомиллаштириш;

- хўжаликларнинг молиявий ҳамда инновацион имкониятларини кенгайтириш;
- агросаноат кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги кооперация муносабатларини кучайтириш;
- қишлоқ жойларида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган инвестиция сиёсатини фаоллаштириш.

Ушбу чора-тадбирлар қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлаш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тафовутларни қисқартириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев, А. (2023) Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш масалалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 6(2), 45–53.
2. Расулов, Ш. (2022) Қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти. Biznes-Эксперт, 4, 28–34.
3. Каримов, Б. (2023) Ўзбекистон ҳудудларида аграр ихтисослашув ва унинг иқтисодий хусусиятлари. Халқаро молия ва ҳисоб, 5, 66–74.
4. Тўхтаев, Ж. (2024) Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳудудий жиҳатлари. Agro Пm, 1, 39–46.
5. Норкулов, М. ва Ҳамроев, С. (2024) Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг устувор йўналишлари. Iqtisodiyot va ta'lim, 2, 112–119.
6. Asian Development Bank (2024) Agricultural Modernization and Food Security in Central Asia. Manila: Asian Development Bank.
7. FAO (2023) The State of Food and Agriculture 2023. Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations.
8. OECD (2023) Policies for Agricultural Development and Water Management in Uzbekistan. Paris: OECD Publishing.
9. World Bank (2024) Uzbekistan Country Economic Memorandum: Agriculture and Regional Development. Washington, DC: World Bank.